



- * Хоразмдаги рўзнома дўконларида нималар сотилади?
- * "Чимилдик" да Обид Асомовнинг биринчи муҳаббати
- * Ўғилу қизингиз сиҳат-саломатми?
- * Офат ҳақида ҳайвонлар башорат қилади



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

ТУРКИСТОН

1925 йилдан чиқа бошлаган ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ 1999 йил 28 апрель Чоршанба.
№ 32 (14223)

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Америка Кўшма Штатларига сафари ниҳоясига етди

Уч кунлик ташриф давомида давлатимиз раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида иштирок этди, АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди, турли йирик халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Президент сафардан қайтаётиб, журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади. Дўстлик дегани эса оталик ёки иттилик даъвосини сурши эмас, балки бир-бирини тушуниш, бир-бирига кўмаклашиш ва ўзаро тенг ҳамкорликдир. Президент Ислон Каримовнинг АҚШга сафари айни муддаога эришиш йўлида мамлакатимиз учун, унинг эртанги кунини учун муҳим аҳамият касб этади.



мажлисида сўзга чиқиб, Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун зарур омилларга алоҳида тўхталиб ўтди. Аввало, йигирма йилдан бери давом этиб келаётган ва минтақа хавфсизлигига катта таҳдид солаётган афгон моjarосини тинч йўл билан ҳал этиш. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиздир. Агар Европанинг бирор бир нуқтасида кичкинагина жанжал чиқсаю уч-тўрт киши қурбон бўлса, масала дарров жаҳоншумул аҳамият касб этади. Қолбуки, Афғонистонда кунига юзлаб одамлар уруш туфайли ҳалок бўлаётгани жаҳон аҳлида унчалик ҳам катта ташвиш туғдирмаётгани ажабланарли. Фикримизча, бунинг сабаби жаҳон хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлигидадир. Ўзбекистоннинг, қолаверса бошқа давлатларнинг ҳам НАТО билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётгани айни мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Негаки, биз истаймизми йўқми, бугунги кунда НАТО дунёдаги ҳар қандай зўравонликка ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қарши тура оладиган ягона ташкилот бўлиб қоляпти. Хусусан, Босния воқеалари НАТОнинг дунё учун кераклигини аниқ-тиниқ исбот қилган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг АҚШга ташрифи ҳақида гап кетганда, аввало унинг учта муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бинобарин, айни жиҳатлар мазкур сафарнинг моҳиятини очиб беради. Аввало, ташрифнинг бош сабаби - НАТО саммити ва ушбу тадбир асносида Ўзбекистон-НАТО муносабатлари ҳақида. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг фаол иштирокчиси саналади. Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-уқув машқлари доирасида кечаяпти. Лекин биз кўзлаган мақсад НАТОга аъзо бўлиш эмас. Бунинг иккита сабабини айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликдир. Президент Ислон Каримов бу масалани янада содда қилиб тушунтириб айтдики, бирорта ўзбек аскарини ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил моjarоларда иштирок этмайди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий-жўғрофий ҳолати ҳам

бирор бир ҳарбий блокка кириш амалига тўғри келмайди. Яъниким, мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, бу минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиб қўйиши мумкин. Гарчанд минтақамиздаги айрим давлатлар ўз саъй-ҳаракатлари билан минтақа хавфсизлигига раҳна солаётган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти буларга қарши ҳаракат қилмаслигини очик-ойдин маълум қилган. Аксинча, бизнинг мақсадимиз минтақамизда тинчлик ва бар-

қарорлик бўлишини, халқимизнинг ҳақиқий эркин ва фаровон ҳаётга эришишини таъминлашдир. Бу борада нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Осиё минтақаси давлатлари ичида энг кўп жон куйдираётган мамлакат Ўзбекистон, десак муболага ҳам, нокамтарлик ҳам бўлмайди. Ўзбекистон-НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу - давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-

шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бугунги кунда дунёдаги 19 мамлакат НАТОнинг тўлақонли аъзоси саналади, қирққа яқин давлат ушбу альянс билан ҳамкорлик қилади. Мазкур Шимолий альянс билан, НАТОга аъзо ҳамда унга шерик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Ислон Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи

Иккинчидан, ядро қуролига эга давлатлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Негаки, кейинги вақтда Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари кишини ташвишга солади. Учинчидан эса, минтақада диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Айтиш мумкинки, бугун айнан диний экстремизм ва фундаментализм Ер юзидаги кўплаб урушлар, моjarоларга ҳаво бериб турибди. Тўртинчидан эса, терроризм ва зўравонлик, қурол-ярғо ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашни кучайтириш зарур. Айни шу масалаларда Ўзбекистон НАТОнинг ва унга шерик бошқа давлатларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

(Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми.
Аввали 1-бетда)

Бир сўз билан айтганда, НАТО бугунги кунда умуминсоний қадриятлар, демократия йўлида собит бораётган давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хизмат қиладиган халқаро институтдир. Бундан бу ёнга ушбу альянс ҳарбий эмас, балки кўпроқ сиёсий ташкилот сифатида обрў-этибор қозонса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда, ташкилот доирасида амалга ошириладиган ислохотлар, унинг келгуси асрдаги фаолиятига доир режалар шундан далолат беради.

Ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати хусусида, яъни Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ташкилотлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари тўхталиб ўтас. Қизғин шундаки, илк учрашув Ислмо Каримов ўтирган самолёт ҳали манзилга етиб бормасданок бўлиб ўтди. Яъни, давлатимиз раҳбари сафар чоғида Голландия пойтахти - Амстердамда тўхтаб ўтди ва бу ерда Европа Иттифоқи Комиссияси Комиссари Ханс Ван Ден Брук билан учрашди. Учрашувда, асосан Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиё мамлакатларининг коммуникация имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

24 апрел кунини Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон, Грузия, Озарбойжон, Украина ва Молдова Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув самараси ўлароқ, Грузия, Украина, Озарбойжон ҳамда Молдова ўртасидаги ҳамкорлик тузилмасига - Ўзбекистон ҳам қўшилди. Демак, бундан буён бу тузилма ГУУАМ, деб юритилади. Ушбу тузилма ўзаро жўғрофий жойлашувга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, коммуникацияни ривожлантиришдир. Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарларининг 1997 йил Страсбургда бўлиб ўтган учрашувида тузилган ушбу бирликнинг дастлабки келишуви Фарбга қурол-яроғ тарқалишининг олдини олиш бўйича бўлган эса-да, ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари сезиларли даражада кенгайди. Мазкур бирлик доирасида ҳамкорлик қилиш, бизга, айниқса, коммуникацияни ривожлантириш учун муҳим. Биламизки, транспорт коммуникацияси масаласи денгиз портларидан узокда жойлашган Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боисдан Ўзбекистон Буюк Ипак йўли, ТРАСЕКА доирасидаги ишларда фаол иштирок этапти.

Ислмо Каримовнинг «Эксимбанк» президенти Ж.Хермон билан мулоқоти, шунингдек, Капитолийда Урта Осиё ҳамда Кавказ давлатлари раҳбарлари билан бирга АҚШ сенаторлари билан учрашуви ҳам ташрифнинг муҳим воқеаларидан бўлди. Шу ўринда, АҚШ сенаторлари билан бўлган учрашув ҳақида бироз тўхталиб ўтас. Сенатор Ээм Браунбэк учрашувни очар экан, айни вақтда АҚШ сенати «Буюк Ипак йўли - XXI аср» номли қонун қабул қилишга чоғланаётганини маълум қилди. АҚШнинг Буюк Ипак йўлига қизиқётгани хайрили, албатта. Табиий бир савол туғилади: нега Буюк Ипак йўли орадан икки минг йил ўтиб яна муҳим стратегик аҳамият касб этапти? Сабаб шуки, бугун бу йўлдан нафақат мазкур минтақа давлатлари, балки Европа мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам катта манфаат топиши мумкинлиги тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Давлатимиз раҳбари сенаторлар билан учрашувда сўзга чиқиб, йнгилашларнинг эътиборини Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга қандай омиллар, кучлар ҳалал бериши мумкин, деган масалалар қаратди. Сир эмаски, айрим мамлакатлар Урта Осиё ва Кавказ давлатларининг Фарбга томон янги алоқа коридорларига эга бўлишини хоҳламайди. Айниқса, мазкур минтақадаги нефть ва газни жаҳон бозорига чиқариш учун янги йўналишларнинг пайдо бўлаётгани уларнинг пайтавасига кўрт тушираёттир. Иккинчидан, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мазкур минтақа мамлакатларида тарқалиши ва бунинг асосида юзага келадиган беқарорлик ҳам давлатларимизнинг ҳамкорлик йўлидаги саяёҳаракатларига путур етказиши мумкин. Учунчидан эса, айрим давлатлар ҳамон шовинистик кайфиятдан халос бўла олмаётгани билан боғлиқ. Улар минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолиш учун турли амаллардан фойдаланаяпти. Бу ҳаракат эса Буюк Ипак йўлини тиклаш, ўзаро интеграциялашув йўлидан бораётган давлатларнинг мақсадига зид. Ва ниҳоят, Осиёдаги айрим давлатлар ўз стратегик мақсадларини қўлаб Буюк Ипак йўлининг тикланишига ва ривожланишига ҳалал бериши мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда юқорида тилга олинган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Ўзбекистон Президентининг Жаҳон банки гуруҳи Президенти Ж.Вулфенсон, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисаки билан олиб борган музокаралари ҳам гоёт самарали бўлди.

Ниҳоят, сафарнинг яна бир муҳим жиҳати - Ўзбекистон-Америка муносабатлари ҳақида. Давлатимиз раҳбарининг ташриф давомида АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги

муносабатларнинг ривожига муҳим аҳамият касб этажаги шубҳасиз. Хусусан, Ислмо Каримов билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувни алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ўринда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақидаги айрим фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги вақтда бу икки мамлакатнинг бир-бирига сезиларли даражада яқинлашгани кузатилади. Бу сунъий эмас, балки табиий жараёндир. Ёдимизда, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда АҚШдаги айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистон ҳукумати сиёсатидан ҳийла норозилиги сезилиб турарди. Бугунги кунга келиб эса бундай кайфият ўрнини хайрихоҳлик эгаллади. Зеро, муносабат бир-икки кунда ўрнатилмайди, бунинг учун йиллар керак. Бугун АҚШ Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори ҳисоблайди. Бунинг сабаби нимада? Ислмо Каримов бунинг сабабини изоҳлар экан, ушбу ҳол Ўзбекистон танлаган йўл тўғри, юритаётган сиёсатимиз эса изчил ва оқилона эканининг оддий бир исботидир, деди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам.

Лекин Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида ҳаракат фақат бир томондан бўлаяпти, дейиш густоҳлик бўлур эди. Бугун нафақат Ўзбекистон АҚШ билан, балки Америка ҳам биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаат топиши турган гап. Шу хусусида сўз кетганда, бир гапни айтиб ўтиш керак. Ўзбекистоннинг АҚШ билан яқинлашишга интилиши ҳеч қандай давлатга қарши қаратилган эмас. Бу ҳақда Ислмо Каримов 1997 йил россиялик журналистлар билан бўлган учрашувда очик-ойдин баёнот берган эди. Нафсиламбирини айтганда эса, Америка Қўшма Штатларига нафақат биз, балки дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас билан қараши рост. Негаки, бугунги кунда бу давлатдаги ривожланиш, одамларнинг турмуш шароити, фан ва техника, замонавий технология ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга уч кунлик сафари, ташриф давомида бўлиб ўтган қизгин учрашувлар, муҳокама этилган масалалар замирида бир ҳол кўзга яққол ташланиб турди:

Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун ҳамкорликни янада кенгайтириш, қафолларни янада кучайтириш лозим. Шу боис бўлса керак, ҳеч бир учрашув ёки тadbирда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш масаласи четлаб ўтилгани йўқ. Зеро, хавфсизлик дегани фақат ҳарбий маънони англатмаслиги барчага маълум ҳақиқат. Хавфсизлик ва барқарорлик бор жойга эса сармом келади, тараққиёт келади, ҳаёт олдинга қараб силжийди. Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлик қилишдан кўзда тутган мақсади ҳам шу. Кези келганда, НАТО ҳақидаги айрим фикрларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай эканини билдириб ўтас. Айрим мамлакатлар НАТОни «агрессор»ликда айблаётганидан хабаримиз бор. Айниқса, унинг Югославияга қарши ҳужумдан кейин бундай аюҳанносларнинг саси янада кучайгандек. Лекин кимки бугунги кунда НАТОни «душман» сифатида қабул қилар экан, бу шубҳасиз уша давлатнинг айтибдир. Негаки дунёнинг 19 та демократик, тараққий топган давлати аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилотни мурасасизликда айблаш нотўғри. Буни НАТОга кирган давлатлар қандай мамлакатлар, деган савол асосида англаса бўлади. Уларнинг бирортаси Европа тупроғида уруш бўлишидан манфаатдор эмас. Косово муаммосининг илдизини эса бундан ўн йил олдинги воқеалардан қидириш керак. 1989 йил Слободан Милошевич косоволик албанларнинг муқориятини йўқотиб, бу ҳудудда уруш оловини ёққан эди. Югославияда бугунги нотинчликларнинг сақланиб туриши ҳам уша ўн йил олдинги сиёсатнинг давом этаётгани натижасидир. НАТОнинг кимларгадир хавфли кўриниши ажабланарли ҳол. Агар ушбу альянс чиндан ҳам хавфли бўлганида, у Шарққа томон кенгаймаган, қанча-қанча давлатлар эса унга аъзо бўлишни сабрсизлик билан кутмаган бўлар эди.

Сўзимиз бошида айтганимиздек, Ўзбекистон НАТО ёки АҚШ, ёхуд бошқа халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан шу маънода манфаатдорки, бу бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз, фаровон ҳаёт кечирishiимизни таъминлашга хизмат қиладди. Ушбу саяёҳаракатлар бир-икки кунда ўз самарасини бермаса, буни ҳам тўғри тушуниш керак. Негаки, бугун қилинаётган барча ишлар эртанги кун, келажак авлод учундир. Келажак авлод эса Президент Ислмо Каримов таъкидлаганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт!

27 апрель кунини Ўзбекистон Президенти Ислмо Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
Уза махсус мухбири.
Тошкент-Вашингтон-Тошкент

ХОРАЗМЛИКЛАР ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ?

“Туркистон”нинг ўтган йил 2 декабрь сониди “Газетангизга харидор йўқ” сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Яна мавзуга қайтидик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туркистон” газетаси мухбири саволларига жавоби чоп этилган кунлар эди. “Туркистон” газетасини ахтариб Урганчдаги вақтли нашрлар билан савдо қилувчи дўконларга бордик. Лекин ҳамма жойда “Биз “Туркистон” ни сотмаймиз”, “У газетани бизда йўқ” каби жавобларни эшитиб бошимиз қотди. Республика ёшларининг нашри бўлган мазкур газета, нега Хоразмда сотувга чиқарилмапти? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида вилоят “Матбуот уюшмаси” ҳиссадорлик жамиятининг эшигини қоқдик.

-- Вилоятимизда вақтли матбуот тарқатувчи 62 та дўконимиз мавжуд, - деди “Матбуот уюшмаси” ҳиссадорлик жамияти раиси Гулом Шарипов. Шундан 27 таси --

Урганч шаҳрида жойлашган. Яна 10-15 та янги дўконлар очишни режалаштиряпмиз. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган дўконларда ҳар хил нашрлардан ўртача 50-60 нусхадан тарқатилади. “Туркистон”нинг вилоят бўйича 10 дона сотувга чиқарамиз.

Ф.Шариповнинг бу сўзларини тинглаб, наҳотки Хоразмдай вилоятда шу миқдорда газета тарқатилса, деган фикрга бордик.

-- Бозор иқтисодиёти даврида “убитка”га тушишдан сақланишимиз керак, - дейди Ф.Шарипов худди хаёлимиздан кечган гапни ахлагандай. - Биз Тошкентта газеталардан кўпроқ буюртма берсак, сотолмай қолишимиз ва чўнтагимиз зарар кўриши мумкин.

Гулом аканинг сўзлари чумчуқдан кўрқиб, тарик элмаётган одамни эслатади. Чунки у Хоразмнинг 1 миллион 200 минг нафар аҳолиси ичида газетхонлар анча кўп эканини тушунишни истамаётгандай кўринади.

Марказий нашрлар орасида “Туркистон” газетасининг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Бироқ унинг асосий ўқувчилари бўлган ёшларимиз ушбу газетани мунтазам ўқиб боролмаётганликлари борасида нолиб қолишади.

-- Шаҳар матбуот дўконларида “Туркистон”ни излаб тополмаймиз, - дейди Урганч автомобил йўллари коллежи талабаси Ю. Машарипова. - Сотувчилар бизга бунақанги газета келмайди деб жавоб беришади...

Биз Ф.Шариповга юзлаб ёшлар, ўқув юртлари талабалари газетамизни ўқишга муштоқ эканини тушунтироқчи бўлдик. Афсуски, Гулом аканимиз “Сотилмай қолса нима бўлади, сотилмай қолса нима бўлади?!” дейишдан нарига

ўтмади. Бугунгача сотилиб келинаётган бор-йўғи 10 дона “Туркистон” унинг бундан кейин ҳам харидоригар бўлишига ишонч туғдиради-ку? Қолаверса дўконлар жамоат ташкилотлари жойлашган, одамлар гавжум ерларга ўрнатилиши керак.

Бизнинг кузатишимизча, республика нашрлари асосан вилоят марказида тарқатилар экан. Туманларга эса 2-3 донаси жўнатилади. Аҳоли энг гавжум минтақа ҳисобланган Ҳазорасп тумани бозориди бундай дўконнинг етарли эмаслиги ажабланарли ҳолдир. Бу ерга бир кунда минглаб одамлар савдо-сотик ишлари билан келиб-

кеттишади. Жаҳон бозори

деб тан олинаётган

бу савдо масканида

да китобфурушлар

атрофини харидорлар

ўраб олаётганининг

ўзи аҳолининг маънавият ва маърифатга

чанқоқлигини билдирмайдими,

ахир?! Хоразмнинг дарвозаси

саналмиш Туп-роққалъа

худудиди газета-журналлар

сотувчи дўконларгина эмас,

почта-алоқа тизимининг

фаолияти ҳам қониқарсиз эканидан

ачиниб кетасан, киши. Питнак,

Боғот туманларидаги баъзи

дўконлар чанг босиб ётганига

нима дейсиз.

-- Кўпгина газеталар сотилмасдан қолмоқда, - дейди “Матбуот уюшмаси” ҳиссадорлик жамияти ходими Муҳаббат Матёкубова. - Туриб қолган (сотилмай қолган, демокчи) газеталар учун дўкондорларнинг ўзлари чўнтагидан пул тўлашга мажбур. Чунки марказий маҳкамामиздагилар сотилмаган вақтли нашрларни қайтариб олишни исташмайди.

Аслида газеталарнинг сотилмай қолаётганлигига асосий сабаб уларнинг қиммат нарҳдалигидир. Масалан, Урганч шаҳрида “Туркистон”, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Хуқуқ”, “Қалб кўзи” каби газеталарнинг сотув баҳоси 35-40 сўмга тенг. Устига-устак аксарият дўконларда асосий вазифа унутилиб, турли ширинлигу, упа-эликлар, сақичу сигареталар сотилади.

Дарвоқе, Хоразмда вақтли нашрлар тарқатувчи жамоат вакиллари ҳам фаолият кўрсатаёпти. Фақат улар “Матбуот уюшмаси” ҳиссадорлик жамияти билан эмас, балки тахририятларнинг ўзи билан шартнома тузишган. Гулом аканимиз ҳам иқтисодий қийинчиликлардан юрак олдириб, иш юритишдан кўра, ана шундай жамоатчи тарқатувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш устида бош қотирса, тadbиркорлик билан иш юритса, газетхонлар талаби тўлароқ қондирилган бўларди.

Эрпўлат БАХТ,
“Туркистон” мухбири



ҶИМШИ ДОШИ

"ЖУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1999 йил 28 апрель № 23

Бугун ҳам ҳар доимгидек, нонушта заҳар бўлди. Сабаби ҳар доим бир хил -- ўғлимни тартибга чақирсам, жеркиб беради: "Ўчириб ўтиринг овозингизни, сизга ким қўйибди гапиришни." Ҳа, афсуски бу сўзлар менга -- ота деб аталмиш зотга айтилган.

Дарҳақиқат, менга ким қўйибди гапиришни, менга -- иккита қорақўз гўдагининг кўзёшлари уволига қолган одамга. Икки норасида олдида гуноҳқорман. Ва бу гуноҳимни ҳеч нима билан ювиб бўлмайди. Бу гуноҳ, бу лаънат, бу нафрат мени ўла-ўлгунимча таъқиб этади.

Мен ёшлигимга, чўнтагимдаги пулимга ишониб, хиёнатнинг кўчасига кирдим. Бўлар-бўлмас аёлларни уйга олиб келиб, хотинимни менсимай оёқ-ости қилдим. Кейин ишхонада бирга ишлайдиган, биринчи турмушдан ажрашиб кетган, бир ўғли бор Наргиза исмли жувон билан топишиб, уникида яшадим. Хотиним мени неча

бор йўлга солмоқчи бўлди. Қулоқ солмадим. Ахийри бўлмади, "севгим" кўзимни қоронғу қилди, икки фарзандим ҳам кўзимга кўринмай, чиқариб, Наргиза билдик.

хотинимнинг йиғлаганлари, фарзандларимни мўлтираб туриши, ота-онамининг, қўни-қўшниларнинг

насихатлари... Бугун эса жуда кеч ҳақиқатни англаб етдим. Тўғрироғи Наргиза ва унинг ўғлини хор қилганимдан сўнг.

НОДИР



ҚАЙНИМ — СЕВГИЛИМ

Имтиҳонга тайёрланиш учун кутубхонада ўтираверибман. Чиқиб қарасам, анча кеч тушиб қолган. Автобус бекатига югурдим. Бир йигит ёнимга келиб турди. Бир-икки оғиз гаплашган бўлдик, у кўринишидан ёмон болага ўхшамасди. Мен ундан «агар автобусингиз келиб қолса кетиб қолманг, мен бир ўзим кўрқаман» деб илтимос қилдим. Шу зайл автобус келгунча танишиб ҳам олдик. У қаерда ўқишимни, яшашимни сўраб-суриштириб, ўзи ҳақида ҳам гапириб берди. Иسمى Абдулла экан. Менинг автобусим келиб биз хайрлашдик. Унинг чақнаб турган кўзлари, мулоим овози ҳеч кўз олдимдан кетмади. Негадир у билан яна кўришим, узоқ-узоқ гаплашгим, дардларимни айтгим келарди.

Эртаси куни ўқишдан чиқатганимда у дарвоза олдида кутиб турган экан. Худди эски қадронлардек кўришдик. «Бугун ҳам автобусингизга чиқариб юборайми, кўрқмайсизми? Хоҳласангиз сизнинг шахсий кўриқчингиз бўламан» деб кулди. Шу-шу биз бир-биримизга боғланиб қолдик.

Бу орада Абдулланинг ёзги сессияси бошланиб, Тошкентга бир ойга ўқишга кетди. Шу муддат ичида уйимдагилар мени дадамнинг бир ошналариининг ўғлига унаштириб қўйишди. Мен бошқа йигитни севишимни, ундан бошқасига турмушга чиқолмаслигимни ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам айтолмадим. Тўғрироғи уйимдагилардан кўрқдим.

Никоҳ оқшомида ўртага бир йигит чиқиб, табрик сўзи айтди. Овози жуذا таниш эди. У: «Йўлим бахтли бўлинглар. Ҳеч қачон бир-бирингизга хиёнат қилманглар, садоқатли бўлинглар», деди. Бошимни кўтариб қарасам — Абдулла. Агар билсангиз эди, бу сўзлар менинг юрагимни парча-парчалаб ташлаганини. Ҳаёлимда худди ҳамма тўйхонадагилар мени қўллари билан кўрсатиб масҳаралаётгандек эди. Хушимдан кетиб қолишимга сал қолди.

Кейин билсам, Абдулла турмуш ўртоғимнинг холаваччаси экан. У бизниқига тез-тез келиб туради. У ҳар келганида мен қанчалар азобланишимни, унинг тезроқ кетишини жуذا ҳам хоҳлашимни билсангиз эди. Дардимни ҳеч кимга айта олмайман. На эримга, на бошқага...

НУРЖАҲОН



БОШИМНИ ҚАЙГА УРАЙ?!

Турмуш қурганимизга ҳеч қанча бўлмасдан, эрим кўпинча кеч маст ҳолда келадиган, бўлар-бўлмас нарсалардан айб топиб сўқиниб, ҳаммани, ҳатто ота-онасини ҳам жеркадиган одат чиқарди. Яхши-ёмон гапириб уни анча йўлга солим. Узимча тўғри иш қилаяпман, деб ўйлардим. "Ўзбошимчалигим" қайнонам ва қайнотамга ёқмади. "Кеча келиб, намунча ақл ўргатади? Шундай қилиб ўғлимизни тобе қилиб олмоқда. Кейин бизни менсимай, фақат хотиним деб қолади" қабилладаги гаплар айтишди. Бир куни нега ичганларининг сабабини сўрасам, қайнонам ўртага тушиб "Пул тоғандан кейин ичади-да, ичганининг нимаси ёмон, унча-мунча одам ичолмайди" -деб, ўғлининг ёни бўлди. Бу гаплардан кейин ўғли янаям талтайиб, босар-тусарини билмай қолди. Уларнинг гап-сўзлари, кесатиклари жонимга тегиб, мен ҳам бор-ей, билганингни қилмайсанми, деб ҳаммасига қўл силтадим.

Энг ачинарлиси мана орадан шунча йиллар ўтиб, ўша пайтда тўғри йўлга солмоқчи бўлганимда қарши чиққан қайнонам, ҳозир мандан ҳам баттар изтиробда, уч қизли бўлибманки, эрим қай аҳволда уйга кириб келаркин, деб ўтираман. Мени болалар билан уйга киргизиб юборади-да, онасидан пул талаб қилиб қийнайди. Балки ўша пайтлар ўғлини мандан қизғонмаганида, қайнонам бу аҳволга тушмасмиди?

МАРҒУБА, Тошкент

ЙЎҚОЛГАН ТИЛЛО

Мен келин бўлиб тушган хонадоним у қадар катта эмас эди. Икки келиннинг учинчиси эдим. Кафтдаккина ҳовлида қайнонам, қайнотам, биргина қайнсинглим ва биз ёшгина оила тотув яшардик. Қайнсинглим билан дугона эдик, икковимиз сирлашувларимизнинг кети узилмасди. Қайнона, қайнотам учун ўз қизларидек эдим гўё. Минг афсус... минг афсуслар бўлсинки, менинг шу бахтимга чин маънода кўз тегди. Инсон бахтга шундай тез тобе булар эканки, буни бошимга ташвишли кунлар тушганида англадим.

Келин бўлиб тушганимга олти ойча бўлиб қолган эди. Уша куни синглим қўлида ойим бериб юборган майда-чўйдалар билан ҳол-аҳвол сўраб меҳмон бўлиб келди. Анча гаплашиб, сирлашиб ўтирдик. Қайнонам ўз қўллари билан ош дамлаб бердилар ва озгина қудаларига ҳам тотиндилар. Синглим кетгач, бироз фурсат ўтиб турдаги уйдан бақирчақирлар эшитилди. Мен ошхонада кечки овқат таруддуди билан овора эдим. Бироздан сўнг шуни билдимки қайнсинглимнинг яқиндагина олдирган тилла зираги йўқолиб қолибди. Қайнсинглим дабдурустан ёнимга келиб... "Биламан тиллоларимни синглингиз келиб уғирлаб кетган. Ўзи туришидан ниманидир сезган эдим" дея бақира кетди.

Синглим мени уйимга келиб, кириб, шу уйдан чиқиб кетгани, қайнсинглимнинг уйи томон бормагани ҳақида шунча тушунтирсам ҳам, тушунтиришларим беҳуда кетди. Ҳаттоки эрим ҳам онаси ва синглиси томон бўлиб, синглимга тош ота бошлади.

Шу-шу ўртамазда катта бир жарлик пайдо бўлди. Уйимдагиларга нисбатан нописанд гаплар жон-жонимдан утиб кетиб, отамникига келдим.

Совчиликда ўртада турган жувон айтиб қолди. Йўқолган зирақлар топилибди. Ювинишга кириб кетаётган қайнсинглим ҳаммомдаги токчада қолдирган ва шу-шу унутган экан. Аламдан дод деворай дедим...

ЗАРНИГОР, Риштон

Кир ювиб турган эдим, кетма-кет кўнғироқ чалинди. -- Алло, алло гапиринг.

Аммо ҳеч қандай сало йўқ. Бу ҳолат бир кунда бир неча бор такрорланди.

Бугун ростини айтсам, кўнғироқлару, ўша овоздан ёнаётган жонимни қаерга қўйишни билмайман. Бу аёл ким ўзи? Нега мени сиз ким дея, сўроқ қилади? Нега, Отабек қаерда, қачон келади, бир паст туриб кўнғироқ қиларман, дейди. Тўғрироғи нега...лардан ўзим ҳам толиқдим.

Бир остонадан иккинчи остонага қадам қўётганимда, ягона суянчиғинг, ишонган тоғинг фақатгина жуфти ҳалолнинг бўлади. Лекин у ҳам сенга хиёнаткор бўлиб чиқса, тик қаддинг букилиб, юрагингни зулмат пардаси қопламайдими? "Эринг севди, элинг севди", деган ҳикматнинг маъносини теран ҳис қилган лаҳзаларимда, бундай камситиш, хўрланиш-

ларга дуч келганимда, минг бора ўлимларга кўксимни очиб бераман.

Бироқ

ДАРДИМ СИҒМАС ДУНЁГА

ҳаётимга заҳар солмоқчи бўлган аёлга шундай сўзларни айтмоқчиман: -- Сенинг кимлигингни, қандай маҳалла ва қандай оила фарзанди эканлигингни билмайман. Аммо шуни билиб қўйки, пинҳона ишқий кўнғироқларинг на сенга, на унга вафо қилади. Сизлар мени эмас, ўз-ўзингизни алдаяпсиз. Ўз оиласига вафо қилмаган, ҳеч қачон ўзга ҳам вафо қилмайди. Менинг ичимга сиғмаётган дардим, бир кун келиб сени ҳам емиради. Ахир, қайтар дунё дейдилар...

МОҲИГУЛ

Йўловчилар билан гавжум автобусда кетаётган эдик. Орқа ўриндиқларда жойлашиб олган тўрт-беш нафар йигит кўпчиликнинг диққатини тортди. Улар ёнларида туриб қолган икки қизни тинмай гап-га солар, жавоб беришса, қизларнинг гапларини калака қилиб кулишар, жавоб беришмасам ҳам ҳоли-жонига қўйишмас, тегажоглик қилар эди. Аммо негадир кўпчилик бу ҳангомани жимгина томошабин бўлиб кузатарди. Балки бундайларга гапиришнинг фойдаси йўқ деб ўйлашгандир. Сабр қосаси тўлди шекилли, йигитларга яқин жойда ўтирган ёши улугроқ бир аёл уларга танбеҳ берди: "Уялмайсанларми, инсофларинг борми ўзи? Бечора қизлар шу автобусга чиқиб, гуноҳқор бўлдими, уз ҳолига қуйсаларинг-чи. Ахир уйда сенларнинг ҳам опа-сингилларинг бор-

ЎИҶИТЧИЛИК

дир, уларга биров шундай тегажоглик қилса, нима қилардинглар? Бу қизлар ҳам худди ўз сингилларингиздай қиз, кимнингдир фарзандлари", деди. Шунда ҳалиги йигитлардан бири: "Сизнинг ишингиз булмаган, жимгина кетаверинг. Қизлар сизнинг қизингиз эмасми, бўлди-да. Бизда йигитчилик, бу насиҳатларингизни уйингизда ўтирган болаларингизга айтасиз," - деди баралла кулиб. Аёл ҳам бошқалар ҳам бир оғиз сўз демади. Фақат лаблари пичирлади. Йигит кишиман деб керилаётган бу успирига нисбатан шунақанги нафратим ошдики... Баъзида улардан қизлар ҳам яхшироқ.



ШАМСИЯ, Шўрчи тумани



Обид Асомов: МУҲАББАТ ОДАМНИ ЁШАРТИРАДИ

Обид АСОМОВни эласанг тўсатдан лабинга кулгу келади. Албатта латифаларини эслаб. Баъзида шу йигит ҳам жиддий гапирармикан, деб ўйлаб қоласан. Биз ҳам ана шундай ўй билан суҳбатимизни бошладик.

-- Обид ака, чимилдиққа неча ёшингизда киргансиз?
-- 1988 йил куз пайти, 24 ёшимда. Санъаткор ўртоқларимиз кўп эмасми, тўй эрталабки бешгача давом этган. Ҳаммани кутавериб чарчагандан чимилдиққа кирганда келин-куёв иккаламининг гапимиз бир жойдан чиқиб: ухлайлик, деганмиз.
-- Сизнингча, уйланишнинг ёши бўладими?
-- Бўлмайди-ю, лекин ўзим кеч уйланганим баъзида алам қилиб қолади. 20 ёшда уйлансанг, 40 ёшга етганингда 20 ёшли ўғлинг ёнингга юрганига нима етсин.
-- Муҳаббатга қачон ошно бўлган маъкул?
-- Менимча, муҳаббат ёш ҳам, фасл ҳам танламайди. Муҳаббат ёш ўтган сари турланиши мумкин. Баъзида хотинингни, баъзида болангни яхши кўриб қоласан-ку. Ўзи бундоқ олиб қарасанг, муҳаббатсиз яшаб бўлмайди. Қарангда, ҳеч нарсага ақли етмаган болачанг и з

ҳам кўшни қизчанинг нимасинидир мақтаб гапирди.
-- Ўзингизда илк севгин қандай бўлган?
-- Яширмайман, 5-синфда ўқиётганимда синфдошимни севганман. Аммо жавобсиз қолган. Барибир у бегубор соф севги эди-да.
-- У билан охириг пайтда қачон учрашдингиз?
-- Синфдошларнинг 20 йиллигида. Биринчи ахтарганим ҳам, топганим ҳам, танганим ҳам шу қиз бўлди. Олдингидан анча ўзгарган. 4 болали бўлибди.
-- Умуман сизга қандай қизлар ёқади?
-- Сочи узун қизлар. Хотинимга ҳам шунинг учун уйланганим. Кейин кестириб ташлади. Узун сочни эплашинг ўзи бўлмайди, дейди. Нима қиламиз энди, чидаймиз.
-- Обид ака, севги одамни яшартириши мумкинми?
-- Юз фоиз шу гапга кўшиламман. Ёшману, лекин қаримаслик учун шунга амал қилиб тураман.
-- Қиз-

ларнинг эътиборида бўлиш учун қизиқчилигингиздан фойдаланганмисиз?
-- Фойдаланганман. Замон галатида, мактаб даврида кўпинча қизлар бўйлари баланд, чиройли йигитларни яхши кўришарди. Иқтидори билан ишлари йўқ. Менга алам қиларди. Энди эса мингта қиз мени ёқтиради, аммо биттаси билан ҳам гаплашишга вақт йўқ.
-- Обид Асомов учун нима муҳим: муҳаббатми ёки санъат?
-- Санъатни устун кўяман. Умр қисқа, ундан фойдаланиб қолиш керак.
-- Чимилдиқ бўсағасидаги ёшларга тилакларингиз.
-- Иложи борица чимилдиққа бир марта киришсин. Муҳаббат — бу илоҳий нарса.
-- Энг яхши кўрган латифангиз...
-- Илк бор учрашувга чиққанда энг кўп қийналаган одам йигит бўлади. Фирт бегона кишига биринчи бўлиб гапири-

шинг керак. Қизнинг на отини биласан, на бошқасини. Кўп гапирсанг, сергап экан дейди, кам гапирсанг соқов.
Бир куни бир содда йигит учрашувга чиқибди. Қиздан "Нима деб гапирай" деб сўрабди. Қиз:
-- Иссиқроқ гап айтинг, - дебди.
-- Африка, -дебди йигит.
-- Отим бор, отимни сўранг.
-- Мунча яхши, араваси ҳам борми?
Қизнинг жаҳли чиқиб:
-- Пошёл вон, собака, мен сенга исмиمنى айтдим.
-- Шу чиройли исм экан-у, лекин сал айтишга узунроқ экан. Охиридаги "собака" сўзини олиб ташласак, бўлмасмикан, - дермиш йигит.

Тўй куни масжидга никоҳ ўқитишга борганингда ҳам қизлар розилигини олиш учун 3

марта сўралгунча ноз қилиб ўтиришади. Домла икки марта сўраб, адашиб қолса бўлди, эрсиз қолаверади. Куёв бечоранинг юраги бу ёқда така-пука. Шунча ҳарajat қилиб қўйган.

Домла келинпошшадан "Палончининг ўғлига..." розилигини олиб, юзига фотиҳа тортибди. Куёв хурсанд: "Раҳмат домла, неча пул бўлади" деса:

-- Пулдан гапирманг, гуноҳ бўлади, бўтам.
-- Энди ният қилувдик.
-- Ҳа, келин боланинг юзига қараб бераверинг.
Куёв бечора ҳам келинни кўрмаган экан, шарт юзини очиб қараб, домлага 10 минг узатибди. Домла шунча пулга яраша келин чиройли бўлса керак деб:
-- Бўтам, пулим ҳалоллигини исботлаш учун келин болани юзини мен ҳам кўрмасам бўлмайди, -дебди.
Куёв рози бўлибди.
Домла рўмолни кўтариб бай-бай, бахтли бўлинглар, деб 10 минг сўмни шарт-шарт 9 минг 900 сўмини санаб, куёвга қайтариб берган экан.

Суҳбатдош ЛАЙЛО. "Туркистон" муҳбири



Буюқлар муҳаббати

Ишқ васвасали ва меланхолияга ўхшаши бир касаллик бўлиб, киши у касалликни, кўпинча маҳбубнинг баъзи бир кўриниши ва хулқларини яхши кўришга ўз фикрини бўйсундириш орқали ўзига чақириб олади. Гоҳо бунга шаҳват ҳам ёрдам беради, баъзан у ёрдам бермайди. Ишқнинг аломатлари: кўз чуқур тушади ва қуруқлашади, йиғлашдан бошқа вақтда кўз ёшланмайди, кўз қовоқлари муттасил ҳаракат қилиб туради, киши ёқимли бир нарсага қараган, ёки шодлантирувчи бир хабарни эшитган, ёки ҳазил қилаётган каби кулади, унинг нафа си

нини аниқлаш мумкин бўлади. Унинг маъшукини аниқлаш даволаш йўлларида биридир. Бу шундай қилинади: томирини ушлаб туриб кўп исмларни қайта-қайта айтиб чиқилади. Шу пайтда томир уришда катта ўзгариш бўлиб, унинг ҳаракатида бироз тўхталыш юз берса, кейин яна исмларни қайтариб бир неча марта тажриба қилиш орқали маъшук исми билиб олинади. Сўнгра шунга ўхшатиб кўчалар, уйлар, хунарлар, иш турлари, насаблар ва шаҳарлар айтиб чиқилади, уларнинг ҳар бирини маъшук исмига қўшиб

СЕВГИ НИМА?

кўп узилиб яна жойига қайтади ва кўп оҳ-уҳ тортади. Ҳазил эшитганда аҳволи шодлик ва кулгига ёки гамгинлик ва йиғига томон ўзгаради, айниқса жудолик ва ҳажер тилга олинганда шундай бўлади. Кўздан бошқа ҳамма аъзолари сўлиб озади, кўз гулагининг чуқур тушиши билан бирга, қовоқлари катталашиб салқийди, бунинг сабаби уйқусизлик ва оҳ тортишининг кучайиб, бошга буғ юбориб туришидир. Унинг ўзини тутишида тартиб бўлмайди, томирининг уриши гамгин кишиларники каби потекис ва бутунлай бетартиб бўлади. Маъшукидан гапирилса, айниқса тўсатдан севганига учрашса, томирининг уриши ва ўзининг ҳоли ўзгаради; ана шунга қараб, севгилисини ўзи айтмаса, унинг ким экан-

айтиб томир уришини кузатиб турилади. Ниҳоят ўшалардан бирини қайта-қайта айтилганда томир уриши ўзгарса, бунга қараб маъшуканинг исми, беази ва хунарини аниқлаб, унинг ким экани таниб олинади. Буни биз тажриба қилдик ва маъшукани аниқлаш учун фойдали [мағълумотлар] топдик. Кейин дин ва шарият ҳалол қилган йўлга мувофиқ, ошиқ билан маъшукани кўшишдан бошқа тадбир топмасанг уларни кўшасан.
Биз бунинг натижасида соғайган ва қайтадан эт олган бир кишини кўрдик: у жуда озиб ва озишдан ҳам ўтиб, ишқнинг кучлигидан қуввати камайиб, оғир ва узоқ замонга чўзиладиган касалликлар ва иситмалар билан қийналган эди. Бироз вақтдан кейин маъшукасига етишини сезгач, энг қисқа муддат ичиди соғлиги ўзига қайтди. Биз бунга ажабландик ва киши табиатининг нафсоний таъсирларга бўйсунушига шунини далил қилдик.

Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»дан

Қарийб бир ярим асрдан буён севиш, севилиш бахти, лаззати, ишқ изтироблари, аламлари ҳақидаги кўплаб асарлари дунё ошиқлари қалбига ҳаяжон солиб келаятган адиба Жорж Санд ҳар бир давр, ҳар бир миллат ва элат кишилари учун бегона эмас. Инсоний туйғулар куйчисининг шахсий ҳаёти қандай кечган? У ҳам севганмикин, севилганмикин, ишқ лаззати, рашқ дўзахидан баҳраманд бўлганмикин?
Жорж жуда эрта турмушга чиқади. Йигирма етти ёшида турмуши бўлмай, эридан ажралади. Орадан кўп ўтмай. Альфред Мюссе исмли шоирга кўнгул қўяди. Улар кўпчиликнинг назарида худди узукка қуйилган кўздай, бир-бирларига мос эди. Альфред — шу пайтгача муҳаббат боғига кирмаган масъум ва бокира йигит турмуш қурган Жорж билан бир тану бир жондай эди.
Альфред севиклисини Италияга савҳатга таклиф этади. Улар хорижда юрганларида шоир оғир дардга чалинади. Жорж ошигини даволаш учун Пачелло исмли докторни топади. Шифокор Альфредни даволаш учун келиб юриб Жоржни ёқтириб қолади. Жоржда ҳам италян йигитига меҳр уйғонади. Жорж италян тилини, италиялик эса инглиз тилини яхши тушунмас эди. Бироқ тил билмаслик икки ёш уртасида севги уйғонишига тўсиқ була олмайди.
Альфред соғая бошлар экан, Жорж ундан йироқлашар, уни севгилисидан кўра кўпроқ ҳиссиётли италян йигитининг қайноқ бағри ўзига кўпроқ тортар эди. Ишқнинг лаззатли онлари инглиз аёли ва италян йигитига унутилмас оромбахш лаҳзалар ҳаёда этса-да, бемор

Альфред Мюссе қалбини уртар эди.
Жорж Санд тез орада италян йигитидан ҳам совиди. У яна Альфред томон талпинди. Адиба ва шоир уртасида яна севги олови гуруллаб ёнди. Унинг ёғдусида Альфред Мюссенинг кўплаб дилбар шеърлари, Жорж Санднинг севги ҳақидаги эҳтиросли романлари



туғила бошлади. Аммо ҳаёт тўфони уларни яна турли қирғоқларга улоқтирди. Шунда адиба севиклисидан яна бир марта ажралар экан, шоирга учта мактуб ёзади. Уларни ўқисангиз Жорж Санднинг севгига, ҳаётга ташна қалбининг қувончлари ва изтиробларига шерик бўласиз. Баъзан у биз уйлаганчалик эҳтирос қурбони, энгил табиат аёл булмаган экан, деган фикрларга ҳам борасиз.
"Севгилим Альфредим, кимнидир севсанг жон-дилинг билан сев. Мендан ёшроқ, гўзалроқ, ҳозиргача севги нима эканлигини билмаган, ишқ ўтида ёнмаган, куймаган аёлни сев! Уни ардоқла, унинг ишқингга мен каби куйиб ёнишларига йул қуйма! Аёл қалби, билсанг, жуда нозик, у тош ҳам эмас, муз ҳам эмас."
"Сен мендан ўзингни олиб

қочаверсанг, сен юз марта қайтарган сўзларингни эслатай: дунёда арзийдиган биттагина нарса бор: бу — севги!
Мен севги йулида кўп марта азоб чекканман, баъзан адашдим, аммо мен барибир севдим..."
"Севги — бу одамлар бири-бирига ҳаёда этиши мумкин бўлган ягона бахт!
Сен йигирма уч ёшда-сан, мен эса уттиз бирдаман ва ҳаётимда кўп қайғу-аламларни кўрдим. Шунчалар кўп қийналганман. Кўз ёшларим кўп оққан.
... Ҳа, сен ёшсан, сен — шоирсан, сен куч-қувватга тулган, баркамол йигитсан. Ҳаётдан завқлан, севгин. Мен эса, мен эса бу дунёни тарк этаман. Алвидо, алвидо, мен сени ташлаб кетмоқдаман. Сен билан бошқа учрашишга ҳолим йўқ.
...Мен сени бошқа севмайман ва бир умр ёдинг билан яшайман. Мен сени хоҳламайман. Бироқ, сенисиз ҳам яшай олмайман..."
Жорж Санд Альфреддан ажралгач яна узоқ йиллар яшади. Альфред билан урталарида бўлиб ўтган севги тарихини "Аёл ва эркак" романида тасвирлади.
Адиба 72 йил умр қурган бўлса, шу давр мобайнида 92 та роман ва қиссалар ёзиб қолдирди. У Англияда XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган романтизм оқимининг асосчиларидан бири эди. Табиатан романтик аёл булган Жорж Санд ўз ҳаётида бошқаларникига ўхшамаган севгини орзу қилди ва шундай олий муҳаббатни куйлаб ўтди.

УЯТ
БЎЛМАДИ

ЎТЯМ ҚИЗҚАТТИЗ БОР

«...Эндигина 21 га чиқдим. Яқинда автобусда кетаётсам, бир аёл, «келинг, синглим, иккиқат экансиз» дея ўрнидан туриб жой берди. Музамаликдан қил-қизариб кетдим, чунки мен ҳали турмушга чиқмаганман. Аммо қорним худди ҳомиладорникидай қаппайган шиш. Ҳозир махсус белбоғ билан қорнимни тортиб боғлаб юрибман. Нима қилай, масалаҳат беринг?...»

**Бибисора,
Ховос**

Албатта, беморни текшириб кўрмай туриб бирор фикр айтиш анча мушкул. Тахминимча, қорнингиздаги шишнинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- биринчидан, қорин худудидида чурра пайдо бўлиши мумкин;

-- иккинчидан, қабзиёт натижасида узоқ вақт ич кел-маса ҳам қорин бироз катталашини кузатилади;

-- учинчидан, семизликнинг дастлабки кўринишидаёқ қориндорлик пайдо бўлишини унутмаслигимиз лозим;

-- тўртинчидан, табобатда кам бўлса-да, қоринда хавфсиз ўсимталар (фибриома ва ҳ.к.) пайдо бўлиши ҳам иккиқатликка ўхшаш кўриниш беради.

Энг асосий сабаб эса шифокор кўригида бўлиб, яхшилаб текширганингиздан сўнггина маълум бўлади.

«... Афсуски, аёллардаги ҳайз жараёни пайтида ўзларини қандай тутишлари лозимлиги ҳақида муфассал маълумот берувчи манбалар анқонинг уруғи. Умуман бу жараён пайтида нималарга аҳамият бериш лозим?...»

**НАРГИЗА -18 ёш,
Тошкент**

Албатта, бу жараён ҳақида ҳар бир она балоғат остонасидаги қизига ўз вақтида кечиктирмай сабоқ берган бўлишлари лозим. Ҳайз кўриш аёл киши бачадондан, ҳар ойда қон ажралиб чиқиши бўлиб, у 49-55 ёшгача давом этади. Одатда, бу жараён 13-14 ёшда бошланиб, аммо эрта расида бўлганларда 9-10 ёшдан, кечкиларда эса 16-17 ёшида ҳам бошланиши мумкин. Бу жараёнда бачадон насл уруғини қабул қилишга тайёрланиб, у ҳомиладорликда ва эмизикли бола бўлганда тўхтади. Ҳайз кўриш даврида гигиеник муолажалар батафсил бажарилиши лозим. Қинни чайиш, ваннада ювениш бу пайтда мумкин эмас, аммо ост камиди 2-3 марта ювилиб туриши зарур. Бу мақсадда марганецовкали, фурацилинли ёки мойчечакли илик эритмалар қўллаш мақсадга мувофиқ. Аччиқ таомлар ейиш, чўмилиш ва оғир меҳнатлар қилиш таъқиқланади. Озодаликка алоҳида эътибор бериб, гигиеник тампонлар ўрнига дуч келган нарсаларни ишлатишдан тийилиш лозим. Бу даврда жинсий мушорат қилиш мутлақо ман этилади. Одатда, ҳайз ҳар 21-28-35 кунда такрорланиб, унинг бу муддатдан эртарақ ёки кечроқ бошланиши танада бирор ўзгариш бўлганлигидан дарак беради. Ҳайзнинг давом этиш муддати уч-беш кун бўлиб, камдан-кам ҳолларда бир кун ёки ҳафтага чўзилади. Баъзан эса, бу жараён бошланишидан олдинроқ, баъзи аёллар сержаҳл ва йиғлоқи бўлиб қоладилар. Қориннинг пастки қисми оғрийди. Жисмонан соғлом аёлларда бу аломатлар унчалик сезилмайди. Агар оғриқ қаттиқ бўлса ва қон кўп кетса, албатта мутахассисларга мурожаат қилиш лозим. Агар аёл юқорида айтилган гигиеник муолажаларни бажармаса, ҳар хил яллиғланиш касалликларига чалиниши мумкин. Совуқ фаслларда аёлнинг оёқлари ҳамда қорин пастки совуққотиши ҳам жинсий аъзоларнинг яллиғланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам қишда енгил кийиниб юриш, юпқа лозимлар кийиш асло мумкин эмас.

«...Ҳозир 14 ёшдаман. Аммо яқинлардан бери ҳар ҳафта ёки уч-тўрт кунларда бир маротаба эрталаб уйқудан турганимда ички кийимларимда шилмишиқ ажралмалар топаман. Даставвал, бу оғир касаллик белгиси-ми дея жуда кўрқиб кетдим. Сўнгра, энг яқин ўртоғимда ҳам бу ҳол рўй беришини эшитиб, бироз тинчландим. Лекин, барибир кўнглим бироз гаш. Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин?»

**РАЖАБАЛИ,
Янгиер**

Ўғил болалар балоғат ёшига етган даврда уларнинг товуши йўғонлашади, елкалари кенгайиб, бадан ва юзларида туклар пайдо бўлади, булғаниш ҳоллари бошланади. Булғаниш -- яъни поллюция нормал ҳолат. Зеро, оқил табиат ҳали уйланмаган ёшлар ҳиссиётини жиловга солиш учун бу ҳолатни яратган бўлса, ажаб эмас. Бу давр бошланмасдан олдинроқ барча оталар ўғилларига эҳтилом бўлиб қолганда кўрқмас кераклигини, у касаллик эмаслигини, балки ҳар бир соғлом ўсмирда содир бўлиши мумкин эканлигини тушунтирган бўлмоғи лозим. Эҳтилом бўлган жинсий аъзоларни тоза тутиш, яъни гуел қилиш шартдир. Поллюция, яъни кечаси беихтиёр булғаниш касаллик белгиси эмас, аксинча ҳар қандай балоғат ёшидаги йигитда учраши лозим бўлган ҳолдир. Поллюция 12-16 ёшли



«Шунингдек» ва
«мактублар»...

«... Ёшим 16 да. Ҳайз кўришдан олдин бутун вужудимда қалтироқ сезаман. Белим, буйрак ва қовуқларимда оғриқ туриб азобланиман. Энг кўрқадиган жиҳати худди ҳомиладор аёллар каби ҳар хил ҳидлардан кўнглим айниб, беҳузур бўламан. Бунинг боиси не, ахир, мен қиз боламан-ку?!...»

**Сарвиноз,
Богот тумани**

Ҳайз кўриш -- жараёни ҳақиқатдан ҳам аёл вужудидаги кўплаб физиологик ўзгаришларнинг маҳсули ҳисобланади. Бу пайтда кўплаб аёлларнинг ўта асабий бўлиб қолиши, жижизаклик, тананинг ҳар хил қисмларида оғриқ сезиши кўп учраб турадиган ҳолдир. Аммо, юқорида ўз дардини баён этаётган қизимиздаги хасталик белгилари бироз мураккаблиги билан ажралиб турибди. Назаримда, оғриқнинг бу даражада кучли кечиши нафақат аёллик аъзолари дардидан, балки буйракнинг ҳам хасталигидан далолат бериши мумкин. Демак, яшаш жойингиздаги гинекологга, ҳамда терапевт шифокордан масалаҳат олишингиз жоиз.

«... Яқинда мени турмушга узатишмоқчи. Аммо жуда кўрқаман. Боиси ҳайз кўришимнинг ораси 9-10 ойга чўзилади. Эшитишимча, бу жуда оғир хасталик белгиси экан. Наҳотки, мен бутун умр оналик бахтидан бебахра бўлсам?...»

**Гулнигор -- 20 ёш,
Зарбдор**

Табобатда, дисменовия деб аталувчи бу ҳолатнинг сабаблари жуда ҳам кўп. Агар қиз бола 13-15 ёшларида дастлабки ҳайз кўрмаса албатта мутахассисга учрашиши лозим. Гоҳида ҳайз кўриш бошланганинг дастлабки бир неча йилларида даври бузилиб, тартибсиз рўй бериши мумкин. Бу кўрқинчли эмас. Аммо 20 ёшга тўлган қизнинг ҳар 9-10 ойда бир марта ҳайз кўраётганлиги шаксиз касалликнинг белгисидир. Демак, горманал ўзгаришлар сабабини билиш учун, зудлик билан шифокор гинеколог ёки эндокринологга мурожаат қилишлик талаб этилади.

ўсмирларда жинсий балоғатга етиш натижасида бошланади. Булғаниш орасидаги танаффус ўн кундан икки ойгача фарқ қилади. Аммо, охириги пайтларда шахвоний лавҳалар, беибо суҳбатлар кўпайганлиги булғанишнинг ҳар уч кунда бир марта яъни, ўта тез учрашига ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, эҳтиломнинг тез-тез такрорланиши асабий-руҳий беқароликка боғлиқ ҳисобланади.

«... Ёшим 27 да ҳанузгача уйланмаганман. Шу пайтгача жинсий хоҳишимни сунъий тарзда қониқтириб келаман. Яқинда бир китобда ўқийшимча, менинг бу номақбул ҳаракатим «руҳий онанизм» деб аталар экан. Агар мен шу ишни тарк этсам, жинсий қобилиятим тикланиб, бирор қизни бахтли қилишим мумкинми ёки шунинг натижасида менда жиддий хасталиклар пайдо бўлганми? Гоҳи ўб-биқиним ва тухумим оғриб ўтиб кетиши шу одатнинг аберанти эмасмикин? Мен нима қилишим керак?»

**РАУФБЕК,
Андижон**

Онанизм -- ўз ҳирсий хоҳишини алоқасиз қондирмоқлик услубидан. Одатда, бу ҳолат жинсий майл ўта кучайган 16-17 ёшли ўсмирларда жуда кўп учрайди. Баъзилар онанизмни ўта зарар деб билинса, бошқалар унга бепарво қарайдилар. Бу иккала нуқтаи-назарни ҳам тўғри деб бўлмайди. Бу атамани «Инжил»да келтирилган Онанинг қилғуликлари билан боғлашади. Эмишки, Онанинг отаси акасида қолган бева билан яшашини таклиф этади. У эса суймаган хотинидан фарзандли бўлмаслик учун жинсий аъзосини сунъий қўзғатиб, «уруғ суюқлигини ерга тўқади». Бу ҳолдан Яратганининг қаҳри келиб, Онани икки қўлидан ҳам жудо қилганлиги, бу ишнинг катта гуноҳлигидан далолатдир. Буюк «Ислом қомуси» номи билан машҳур Имом Фаззолийнинг «Никоҳ одоби» рисоласида қайд этилишича, онанизм, деярли зинога тенглаштирилувчи гуноҳлардандир. Ўз вақтида уйланишлик эса бу номақбул одатларга мутлоқ ўрин қолдирмайди. Шу боис ҳам йигитнинг ўз пайтида уйланмаслиги боис қилган гуноҳига Оллоҳ олдида ота-она масъулдирлар.

Онанизм билан шуғулланган ўсмир албатта жинсий ожиз бўлиб қолади деган гап эмас. Онанизм билан ўта кўп шуғулланиш хавfli асоратларга олиб келиши мумкин. Агар бир ҳафтада бир неча маротаба бўлиш эса аксарият ҳолларда мутлақо асорат бермайди. Биқинидаги, тухумларидаги бироз бўлиб ўтиб кетадиган оғриқ эса, аввал онанизмга ўрганиб қолган вужудда уруғ димланиб қолиши натижасидир. Бу оғриқлар физиологик ҳолларда ҳам учраши боис, хатарсиздир.

Эркатойлик, бекорчилик, ҳаёсиз лавҳалар кўриш, ўта тор кийимлар кийиш ёки баданнинг ифлослиги туфайли жинсий аъзонинг қичиши онанизмга мойиллик туғдиради. Кичик ёшдаги болалар жинсий аъзоларини орқа тешик яқинида яшайдиган гижжалар қичитиши ҳам шулар жумласидандир. Ушбу ўринда, кўпчилигимиз аҳамият бермайдиган одат ҳақида тўхталмоқчимиз. Биз ўзбеклар кичик ёшдаги ўғил болаларга «носвойингдан бер» дея жинсий аъзосига қўл теккизиб эркалаймиз. Биз бу ҳаракатимиз натижасида болада кейинчалик жинсий аъзони ушлайвериш одат бўлиб қолишини, бу эса онанизмга мойиллик туғдиришини уйлаб ҳам кўрмаймиз.

Тиббиётда онанизмнинг икки тури тафовут қилинади: биринчи тури -- руҳий онанизм бўлиб, жинсий эҳтиёж ҳар хил нарсаларни кўз олдига келтириб, ҳаёл суриш натижасида амалга оширилади. Иккинчи турида эса жинсий аъзолар механик тарзда қитикланиб, ҳирс қондирилади. Бу ҳолат ёшларда балоғат давридан то турмуш қургунга қадар жинсий фаоллигига қараб ҳафтада бир ёки икки-уч маротаба давом этиб, кўпинча турмуш қурганларидан сўнг буткул йўқолиб кетади. Лекин айрим иродаси мустаҳкам бўлмаган шахсларда бу ҳолат одат тусига кириб қолиши мумкин. Баъзи кимсалар эса бу одатни уйлангандан сўнг ҳам ташлай олмайдилар. Бу беморлардаги ҳолат тиббиёт онанизмнинг психопатологик тури деб ҳисобланади. Бундай беморларда ҳар хил руҳий ўзгаришлар рўй бериб, орқа миёда жойлашган жинсий марказлар иш фаолияти бузилади, натижада жинсий ожизликнинг орқа мия тури вужудга келади. Бундан ташқари онанизм билан тез-тез шуғулланиш ички жинсий аъзолар, уруғ дўмбоқчаси ҳамда простата безида қон димланишига, охир-оқибатда эса бу аъзоларнинг яллиғланишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, онанизм нормал физиологик лаззат бермаганлиги учун, асаб системасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жинсий олатга ҳадеб тегавериш натижасида, бу нарса жинсий функциялар такомилга етишидан олдин баъзан одат бўлиб қолади. Қониқтиришнинг у турида асаб системасига юкланадиган вазифа нормал жинсий алоқадагидан бошқача бўлади, чунки айна ҳолда кўриш, сезиш, ҳидлаш каби табиий қўзғатувчилар тинч туради. Биз юқорида таъкидлаган онанизмнинг салбий оқибатлари камдан-кам ҳоллардагина вужудга келади. Афсуски, онанизм ҳақида фикр юритилган баъзи илмий-оммабоп китобларда унинг асоратлари ўта бўрттириб кўрсатилган. Натижада, бу иш билан ёшлигида камдан-кам шуғулланган кўплаб кимсалар, ўзларини жинсий ожизлар қаторига қўшиб қўйиб касалхонама-касалхона сарсон бўлишмоқда.

Ўқтам Муҳаммад МУРОД

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗИГА УЙЛАНСАНГИЗ...

Барча миллатлардаги каби қорақалпоқ халқларининг ҳам ўзига хос урф-одатлари кўпроқ никоҳ маросимида мужассамлашган. Унда халқнинг маданиятини, азалий қадриятларини яққол кўриш мумкин. Биз шу хусусда қорақалпоқ қизи Тўхтагул Алминова билан суҳбатлашдик.

-- Қорақалпоқ қизлари 16 ёшда балоғатга етади. Йигитлар эса оилани мустақил тебрат оладиган бўлгандагина уйланиш ёшига етган ҳисобланади.

Қорақалпоқ ёшларининг турмуш қуришдаги қизиқарли томони шундаки, куёвнинг онаси қайси ҳовлига совчи бўлиб борсам экан, дея бош қотириб ўтирмайди. Куёв ўзи яхши кўрган қизини ўғирлаб, уйдагиларига хабар беради. Улар қизнинг кимлигини ва қаердалигини суриштиради ва қизнинг уйига элчи юборади. Совчи бор вазиятни тушунтиради. Шундан кейин қизнинг онаси билан келинойиси қиз ўғирланиб келинган хонадонга келади.

Қизнинг онаси ва келинойиси келгунга қадар қизнинг ўз розилиги билан қочганлиги тўғрисидаги мактуб (қизнинг имзоси билан) тайёрлаб қўйилади. Қизнинг онаси мактубни кўради, сўнгра қизи билан ёлғиз учрашишга ижозат сўрайди. Бу учрашувда қизи онасидан кечирим сўраб, тўйга рози ёки норозилигини билдиради. Шундан сўнг қиз рози бўлса, уни шу ерда қолдиришади, агарда норози бўлса, (айрим пайтларда) қиз олиб кетилади. Бу ташрифда ҳеч

қачон қизнинг оиласи томонидан эркак киши қатнашмайди.

Шу ташрифдан бир кун ўтгач, қизнинг онаси билан отаси келиб қизи учун тўланадиган "ўлпон" рўйхатини тўлаб, тўйни ўз уйида ўтказилади.

-- Ота-она истаги устунми ёки севги-муҳаббат?

-- Бизда асосан ота-она истагидан кўра ёшларнинг муҳаббати устун.

-- Ажралишлар сабаби?

-- Бу асосан келин билан қайнона келишолмаган ҳолларда кўп учрайди. Келин-куёвнинг ота-онасига ёқса, улар умр бўйи бирга бўлишлари мумкин. Агар куёвдан кейин укаси бўлмаса. Агар куёвнинг укаси бўлса укасини ҳам уйлантириб, қайси бирининг хотини кўпроқ ёқса ўша оила шу хонадонда қолади.

-- Тўй оқшомига кимлар таклиф қилинади?

-- Тўйга йигит ва қизнинг дўстлари ва яқин қариндошлари келади. Лекин тўйга келиннинг ота-онаси келмайди. Тўй оқшомини куёвнинг онаси ёки отаси ўзининг яхши истаклари ва табриклари билан очиб беради.

-- Никоҳ тўйининг эса қоладиган тантаналари...

-- Тўй ўртасида келин билан куёв рақсга таклиф қилиниб, қариндошлар томонидан совға-саломлар берилади ва яна тўй давом этади. Тўйнинг бу кунда келин ва куёв ота-онаси билан қизнинг уйига ташриф буюришади ва келин билан куёвга совғалар ҳадя қилинади.

Комилжон ХАСАНОВ,
ТошДУ талабаси



этилдими, унга жазо муқаррар. С. Каримжоновнинг жиноят иши Тошкент вилоят суди судьяси М. Игомova раислигида кўриб чиқилди.

Суд терговда гарчи судланувчи жиноятни ўзи билмаган ҳолда содир қилдим деган ваъдаларни рўқач қилсада, фойда бермади. С. Каримжонов суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони қамоқ ва қаттиқ тартибли ахлоқ туза-

тиш колониясида ўтайдиган бўлди.

Жиноятчи жазосини олди. Аммо оиладаги учта гўдак

етим қолди. Она қорнидаги норасида орзулари бу дунёни кўрмасдан чил-чил синди. Ота меҳридан, она ҳароратидан жудо бўлган уч бола-нинг бўйнидан етимлик тамғасини юлиб бўлармикан. Афсуски, булар бандасининг қўлидан келмайди.

Аммо бизнинг қўлимиздан шу каби жиноятларнинг олдини олиш келади-ку. Юқоридаги каби воқеа юз бермаслиги мумкин эмасмиди?..

С. Каримжоновнинг ҳатти-ҳаракатидан, юриш-туришидан қариндош-уруғлар, қўни-қўшилар хабардор эдилар. Ваҳоланки, унга ким маслаҳат берди, ким тўғри йўл кўрсатди? Жиноятнинг илди-зи қаерда? Бизнинг ён-атрофдаги бемазагарчиликларга нисбатан бепарволигимизда, томошабинлигимизда, сен менга, мен сенга тегмайман қабилда иш туттишимизда эмасми?

Ҳа, бу каби сўзлар ҳар доим айтилмоқда, ёзилмоқда, аммо одамлар ўша-ўша.

Л. ТўРАЕВ,
Тошкент вилоят суди ходими



Умр омонат. Шунинг учун омонатки, у Яратган томонидан бир марта берилди холос. Шу боис ҳар қачон, ҳамма даврларда ҳам инсон ҳаёти қадрланиб келинган, қонунлар билан муҳофаза этилган.

Аммо ичкиликка муккасидан кетган кимса бунинг англаб етармикан? Ҳар доим ҳам йўқ. Зеро, маънавиятдан айро тушган киши ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган бир нусхага айланиб қолади.

С. Каримжонов ўша кунини ҳам оёқда туролмас ҳолатда гирт маст бўлиб уйига келди. Хотини Н.ни улар ҳолатда калтаклади. Уйда меҳмон бўлиб турган қайнонасини ҳам бўлар-бўлмас сўзлар билан ҳақоратлади. Шафқатсиз калтаклар, берором тунлардан жони халқумига келган Н. Рихсимбоева очикдан очик онаси уни ажратиб олиб кетишга келганини айтганида, эр ҳомилдор хотинини қувиб бориб қўлидаги ошпичоқ билан чопиб ташлади.

Ўзининг ширин оиласидан, қорақўз болаларининг шодлигидан оқ ажал хуморини афзал билган С. Каримжонов кайфдан жазавага тушиб, бегубор орзулари билан бир ёстиққа бош қўйган ўз жуфти ҳалолнинг умрига зомин бўлди.

Албатта, жиноят содир

ХОТИННИНГ ҚОТИЛИ ЭР

Биздан келин-куёвларни кузатганингизда худди узукка кўз қўйилгандай бир-бирига мос экан, мисоли бир оламнинг икки бўлаги дейсиз. Сизга ҳам атрофдагилар шундай ҳавас билан боқишадими? Турмуш ўртоғингиз ўзингизга мосми? Рухан яқинлигимиз? Сизларни нима бирлаштиради? Бирга яшаб кета олишингизга ишонасизми?

Француз руҳшуноси Жак Трево тузган куйидаги саволларга жавобингиз орқали бунинг олишингиз мумкин:

1. Севган кишингиз билан бир юлдуз буржи остида туғилганмисиз? (Ҳа. Йўқ.)

а) Сув (Саратон, Хут, Ақраб);

б) Ўт (Ҳамал, Қавс, Асад);

в) Ҳаво (Жавзо, Мезон, Далв);

г) Ер (Савр, Сунбула, Жадй)

2. Дўстларингиз билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашишни ёқтирасизми? (Ҳа. Йўқ.)

3. Эр-хотинлар қанча вақт турмуш қурганига қанча бўлганидан қатъий назар меҳнат таътилини бирга ўтказишлари зарур, деб ҳисоблайсизми? (Ҳа. Йўқ.)

4. Турмуш қургач, бошқа жинс вакиллари билан дўст тутиши мумкинми? (Ҳа. Йўқ.)

5. Ота-оналарингиз бир-бирига меҳрлими? (Ҳа. Йўқ.)

6. Отангиз билан муносабатингиз яхшими? (қизларга.) Онангиз билан муносабатингиз яхшими? (йигитларга.) (Ҳа. Йўқ.)

7. Никоҳда нимани муҳим деб

ҳисоблайсиз:

а) фарзанд кўриш ва тарбиялаш;

б) бой-бадавлат ҳаёт кечириб;

в) қалбларнинг бир-бирига яқинлиги.

Энди тўпланган балларни ҳисоблаймиз.

1 дан ва 6 гача бўлган саволларнинг ҳар бирига "Ҳа" деб жавоб берган бўлсангиз, 5 балл оласиз. Худди шу саволларга "Йўқ" деб жавоб берсангиз 0

ЖУФТИНГИЗНИ ТОПДИНГИЗМИ?

балл олдингиз. Агарда 7-саволга жавобингиз сиз танлаган кишининг жавобига мос келса, тўплаган балларингизга яна 5 ни қўшасиз. Энди балларни жамлаб, оралиқдаги фарқни аниқланг.

Агарда фарқ 5-10 балл атрофида бўлса:

Демак сиз ёр танлашда адашмагансиз. Бир-бирингизга жуда моссиз. Туғилажак фарзандларингиз ҳам ўзаро меҳрли бўлиб воёга етади.

Агарда фарқ 15-25 балли ташкил этса:

Сизлар бир-бирингизни тушунишингизда муайян қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Бу бора-бора ҳаётингиздан қониқмасликка олиб келади. Яхшиси, яккама-якка гаплашиб олинг. Ўртадаги номутаносибликларни тўғриласа бўлади.

Агарда фарқ 25 балдан юқори бўлса:

Сизлар бошқа-бошқа одамсизлар. Фақат бир-бирингизга ён бериб, дардингизни ичингизга ютибгина, яшаб кетишингиз мумкин. Жуфтингизни тушунишга ҳаракат қилиб турмуш кечиршингиз керак.

КАФТИМИЗДАГИ ИЛОҲИЙ МЎЪЖИЗА

Кафтингизга ҳеч диққат билан разм солганмисиз? Ҳар хил чизиқлардан бошқа нарса йўқ деб ўйларсиз. Лекин ўша чизиқлар қандай маъно англатишини биласизми?

Ўнг кафтингизга қарасангиз, шу белгини кўрасиз: 11 бу араб рақамини, яъни 18 ни билдиради.

Чап кафтингизга қарасангиз, шу рақамнинг тескарисини 11 81 ни кўрасиз.

Агар биз икки кафтимиздаги рақамларни қўшсак, 18+81=99 чиқади. 99 рақами Аллоҳнинг 99 та сифатини кўрсатади.

81 дан 18 ни айирсак, 63 чиқади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) шу ёшида бу дунёдан у дунёга рихлат қилган. Аллоҳнинг ҳақлиги ҳар қадамда бизга мўъжизалар орқали намоён бўлаверади.

Олим ЭШНАЗАРОВ тайёрлади

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ШОБА ИЖОДКОРЛАРИ:

ЛАЙЛО, БЕКТЕМИР,

ШАҲНОЗА

САҲИФАМОВЧИ: БАХТИЁР

ВЕНА. Австрияда ядровий хавфсизлик конвенциясига аъзо мамлакатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бир неча кун давомида атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш ва бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги пайтларда атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилди, дейилади анжуман иштирокчиларининг резолюциясида.

Ядровий хавфсизлик конвенцияси 1996 йилнинг октябрида кучга кирган. Ҳозирга қадар унга 65 мамлакат қўшилган.

ПХЕНЯН. Жаҳон озик-овқат дастури раҳбарияти Шимолий Корея аҳолисига шошилиш ёрдам кўрсатиш учун 260 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ зарурлигини маълум қилди.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур маблағ Шимолий Корея аҳолиси учун озик-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфланади. Ҳозир мамлакатда 11-16 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бир миллиони ҳамда олти ёшдан ошган беш юз минг нафар фуқаро озик-овқатга муҳтож ҳолда кун кечирмоқда.

АҚШ билан Шимолий Корея ўртасида имзоланган келишувга биноан, АҚШ май ойида Пхенянга озик-овқат маҳсулотларининг биринчи туркумини етказиб беради. Келишувга кўра, Шимолий Корея бунинг учун ўз ерости объектларини текширувдан ўтказишга рухсат беради.

НЬЮ-ЙОРК. Руминия ҳукумати НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужуми сабаб альянс самолётларини мамлакат осмонида парвоз қилишига рухсат берган эди. Шунинг учун НАТО айти пайтда Руминия хавфсизлигини кафолатлаши зарур, деб баёнот-берди Руминия президенти Эмил Константинеску Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбирига берган интервьюсида.

Унинг таъкидлашича, Руминия бугун НАТОга аъзо бўлишга тайёр ва альянснинг бу борадаги барча талабларини бажарган.

ГААГА. Македонияда яшаётган косоволик қочқинларнинг 150 нафари Нидерландияга олиб келинди. Улар Эрмело шаҳрида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйларга жойлаштирилди. Яқин кунлар ичида Македониядан қочқинларнинг яна бир неча гуруҳи Нидерландияга жўнатилади.

Нидерландия ҳукумати икки минг нафар қочқинни қабул қилишга қарор қилган эди. Улар Косовода вазият барқарорлашгунга қадар шу ерда истиқомат қилади.

ЎЗА

ҚАТАҒОН АЙБДОРЛАРИ УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

1994 йилда Руандада ҳокимиятни эгаллаб олган хуту элати вакиллари мамлакатдаги бошқа халқлар, жумладан, тутсиларни қатағон қилиш сиёсатини ўтказди. Мазкур йил нафақат Руанда, балки бутун Африка қитъаси тарихидаги энг аянчли даврлардан бири бўлди. Хутулар амалга оширган

Шарҳловчи минбари

оммавий қирғинлар натижасида қарийб 800 минг киши қурбон бўлди. Ҳокимият тутси элати вакиллари қўлига ўтгачина, бундай жаҳолатга барҳам берилди.

Руандадаги қатағонлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланди. Натижада бу оммавий қирғин ташкилотчилари ва ижрочиларини суд қилиш мақсадида Руанда буйича халқаро ҳарбий трибунал ташкил этилди. Яқинда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида тутсиларни қирғин қилишда қатнашган руандалик устидан суд жараёни бошланди. У қотилликда, қирғинни қўллаб-қувватлашда ва ҳарбий жиноятларда айбланмоқда. Айбдорни Швейцария ҳарбий трибунали суд қилаётир.

Швейцариялик қонун ҳимоячилари қатағон ташкилотчилари ва иштирокчиларини судлаш учун қатта тайёргарлик кўрди. Жумладан, жиноятчиларнинг айбини тасдиқловчи далилларни қўлга киритиш мақсадида воқеа содир бўлган жойларга махсус гуруҳлар юборилди. Бу эса суднинг адолатли бўлишини таъминлаш учун яхшигина асос яратди.

Халқаро трибунал олдида жавоб бераётган шахснинг номи Н. Фюлжансадир. У этник можароларда хутулар мағлубиятга учрагач, Швейцарияга қочқин сифатида келган ва 1996 йилда қамоққа олинган эди. Н. Фюлжанса қатағон даврида Мушубати қишлоғи оқсоқоли эди. Хуту элатига мансуб бу собиқ оқсоқол ўз қишлоқдошларини қурол-ярғоқ билан таъминлаб, тутси халқи вакил-

ларини ўлдиришга даъват қилган. Бундан ташқари, қатағонни қўллаб-қувватламаган ўз элатдошларини ҳам аяб ўтирмаган. Кузатувчиларнинг фикрича, агар унинг айби тасдиқланганидан бўлса, собиқ оқсоқол умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади.

Айти пайтда қатағонларда айбдор бўлган хуту етакчилари ва уларнинг тарафдорлари Конго Демократик Республикаси ва Уганданинг бепоён чаңгалзорларида яшириниб, асосан, талончилик билан шуғулланмоқда. Хусусан, бундан икки ойча муқаддам хуту жангарилари Уганданинг Бвинди миллий боғида хорижий сайёҳларни аввал ўғирлаб, сўнг ваҳшийларча ўлдириган эди. Улар ҳам бир кунги келиб, жазага тортилиши аниқ. Чунки ҳозир бир томондан Уганда ва Руанда ҳарбийлари, иккинчи томондан КДР қўшинлари уларга қарши кескин кураш олиб борапти.

Бугунги кунда Руандада ижрочи ҳокимият тепасида миллий бирлик ҳукумати турибди. Мамлакат Бош вазири вазифасини эса хутуларнинг Республика демократик ҳаракати партияси етакчиси Пьер-Селестэн Рвигема бажармоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматнинг негизини ташкил этадиган Руанда ватанпарварлик фронти вакилларининг асосий қисми тутсилардан иборат. Тутси ва хутулар ўртасидаги можаролар тугатилган бўён мамлакатни бошқариб келаётган мазкур коалицион ҳукумат фаолияти элатларнинг ўзаро келишиб давлатни идора қилиши мумкинлигига ёрқин далил бўлиб келмоқда.

Яқинда Руанда Бош вазири П. Рвигема ўз партиясининг 1994 йилги қатағонларда иштирок этгани учун мамлакат халқидан кечирим сўради. Партиянинг хунрезликларга аралашиб қолиши ўша пайтдаги раҳбарларнинг айби эди. Бош вазир партиянинг собиқ раҳбариятини қаттиқ қоралади. Унинг узри мамлакат ҳукумати бугунги кунда элатлараро тотувлик сиёсатини амалга ошираётганидан дарак беради. Қолаверса, бу ҳол руандаликларнинг тинчлик ва барқарорликка низо билан асло эришиб бўлмастлигини англаётганини билдиради.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Иш қидириб юрган баъзи йигитларни кўриб хайрон қоласан. Наҳотки ҳозирги кунда ишга жойлашиш шу қадар қийин бўлса?!.. Ахир ҳар қадамда «Ишга қабул қиламиз», «Ойлик маоши 27 минг сўмдан зиёд» каби ёзувлар эълонларга кўзингиз тушади. Ваъда қилинган маошлар оддий ишчиликдан уч баробар ортиқ. Унда нега кўпчилик ишсиз юрганлар шундай сердаромад фирмаларда ишлашни ёқтирмайди?

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 30-КАНАЛИДА

“ТВ-ҳамкор” эълон ўқийди: “... ишга қабул қилинади: таржимон, ҳисобчи, туррагент. Манзил: Пушкин кўчаси, 5-уй. Соат 13 га келинглар”.

Эртаси кунни белгиланган манзилга бордим. Иш сўраб келганларни бинонинг орқасидан, коллеж дарвозахонаси томонидан қабул қилишаркан. Дарвозахона олдида тумонат одам.

20-25 ёшлардаги икки йигитта яқинроқ юрдим. Ўзларини Равил ва Анвар деб таништирган бу йигитлар Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари экан. Бешинчи курсда ўқётганликлари учун бўш вақлари кўп! Шунинг учун иш қидириб юришибди. Равил таржимонликда ўзини синаб кўрмоқчи. Анвар эса стипендиясига қўшимча равишда ойлик иш хақи олиш ниятида. Ахир ота-онасига юк бўлиб юриш кимга ҳам ёқади?

Елғиз ўзи турган Фарҳод исмли йигит ҳам ишга кирмоқчи эканлигини айтди. Фарҳод лицейда иқтисодни, турк тилини ўрганган. Ҳозирги кунда иқтисодий университетда таълим олмақда. 30-каналда берилган эълонни эшитиб, дўстлари билан бирга келган. Улар ҳозир ичкарида, суҳбатдан ўтишяпти. Ишга қабул қилаётган идора қандай ташкилот эканлигини билди -- Саёҳатчилик компанияси. Янги ташкил этилган шекилли, ҳар қандай мутахассислик бўйича ишга қабул қилишяпти.

Суҳбатдан чиққан йигитлар Акмал, Фаррух институтда ўқишади. Фаррух инглиз, форс, турк, рус тилларини биларкан.

Биринчи гуруҳ чиққанлигига қарамасдан, иккинчи гуруҳни чақириш-маётганлигига ҳайрон бўламан. Тушлик-

ИШ ҚИДИРИБ САРСОН БЎЛМАНГ

ка чиқишгандирда, деб қўйди йигитлардан бири. Акмал суҳбат ҳақида бизга қисқача маълумот берди. Аввалига анкета тўлдирди. Бешта дипломинг бўлса ҳам ишга лаёқатсиз топилсанг бизга керагинг йўқ, дейишди саёҳатчилар идораси ходимлари. Таржимонликка даъвогар йигитлар ўтган шанбада киролмаган суҳбатларига чоршанба кун кириш насиб этди. Жавоби эса сешанба кун маълум бўларкан.

Иккинчи гуруҳни суҳбатга чақиришларини кутавериб Фарҳод иккала-миз чарчадик. Кутаётганлар бирин-кетин тарқала бошлади. Таржимонлик бу ерда мендек икки тилни билган инсонга насиб этмаслигини тушуниб орта қайтдим.

ОЙЛИК ИШ ХАҚИ 27000 СЎМДАН ЮҚОРИ

деб ёзилган эълон бўйича эртаси кунни сим қоқдим.

-- ...хушдам кун, ишга жойлашиш масаласида, кўнғироқ қилмаман.

-- Жуда яхши. Бугун соат 15.00 га бизнинг манзилгоҳга кела оласизми? Жуда яхши. Исмингиз ким? Илҳом, жуда яхши. Илҳом, бугун соат учга, метронинг “Тошкент” бекатига...

-- Кечирасиз, фирмангизнинг номланиши қандай ўзи?

-- Илҳом, бугун соат учга Шимолий вокзалга, олдиндан чипта сотиш кассаси

ҳовлиси, тўртинчи уй, иккинчи қаватга келинг. Қоровулга исмингизни айтиб бериб қўяман. Сизни менинг олдимга кузатиб қўйишади.

-- Ким билан гаплашдим, ҳеч бўлмаганда шуни айтиб қўйинг, илтимос!

-- Илҳом, сизни менинг хонамга куза-

тиб қўйишади. Бугун кела олмасангиз бошқа кунни кўнғироқ қилинг. Раҳмат сизга. тут-тут-тут...

“ВЫСОКООПЛАЧИВАЕМАЯ РАБОТА. СПРОСИТЬ ТАТЬЯНУ”

Татьянахон маоши юқори иш қандай эканлиги ҳақида тушунтириб ўтирмади. Машинасозлар саройига дам олиш кунни эрталабки соат 10.00 да ёки жума кун соат 15.00 да келишимни, қоровул аёл қайси хонага чиқишим лозим эканлигини тушунтиришини айтиб қўйди, холос.

Вилоятларда, Ҳамдўстлик мамлакатларида (!) ишлаш имконини берувчи ишни таклиф этаётган Юля эса мендан исми-шарифдан ташқари маълумотим билан қизиқди. Иш ҳақида тўлароқ маълумот олишим учун эса соат 15 да (!) “Ёшлик” ошхонаси ортидаги бинода мени кутишини айтди. Борсам бора қолай дедим, эртаси кун Юляхон билан учрашувга отландим. Бино дарвозахонасида посбонлик қилаётган амаки мендан нима мақсадда келганимни билиб қулиб қўйди: “Юля бугун келмайди, ўғлим бошқа кун келинг.” Бехуда кетган вақтимга ачинганимча орта қайтдим.

Автобус бекатига келиб кўкрагига “Вы ищите работу?” деб ёзилган нишон тақиб олган йигитни кўриб қолдим.

Иш қидириб юрганимни билган Рустам

ўз “касб”ини мақтаб кетди. Компанияга борсанг, сени ҳисобга олишади, тиббий дориларни беришади (тўғрироғи сотиб оласан). Барчасининг сертификатлари бор. Ўзингга мижоз топиб, уларни сотасан.

Дорилар табиий. Истеъмол қилиб кўрсанг, уларнинг ҳар қандай кимёвий моддалардан афзаллигини тушунасан. Тиш тозалаш пасталари, сақичлар, ҳаттоки егулик маҳсулотларнинг ҳамма-ҳаммаси соғлиқни мустаҳкамлаш учун тайёрланган. Сифатли, фойдали ва зарарсиз. Компания кафолатлайди! Фақат маҳсулотларнинг соғлиқ учун ўта фойдали эканлигига одамларни ишонтира олсанг бас. Ойлик иш ҳақими? Йўқ, 27000 сўм эмас, қанча кўп маҳсулот сотсанг, шунча кўп фойда олаверасан. Ҳа, бойиб кетганлар ҳам бор. Бир дўстим шу ишда ишлаб “Форд” машинасига эга бўлди, уч хонали уй сотиб олди. Банкротга учраганлари ҳам топилади. Бир аёл бўйинга етган қизи билан қариндошлариникида яшаб юрибди. Чунки компанияга қарз бўлиб, оқибатда уйини сотиб юборишига тўғри келди.

Рустамнинг бундай монологини эшитиб ўйлаб қолдим. Йўқ, мен ҳам, менинг бу ишда мижозларим бўлиши керак бўлган дўсту танишларим ҳам оздирувчи ёки семиртирувчи дорилар ўрнига қўй ёғини, даволоччи торт ўрнига табиий асал ва ёнғоқли торти, турли тиббий препаратлар ўрнига доривор ўсимликларни афзал кўрамиз. Шундай экан, Рустамнинг гапига кирсам, мен ҳам уйимдан ажралишим тайин. Яхшиси хонани эълонлар орқали иш қидириб, сарсон-саргардон бўлганимни газетага ёзаман, токи дўстларим мендан кейин овора бўлишмасин. Шунингдек, газета орқали дўстларимга “Камолот”, “Умид” каби ёшлар жамғармалари ҳақида, ҳукуматимиз томонидан йигит-қизлар учун қабул қилинаётган қарор фармонлардан нажот кутишса фойдали эканлигини билдирмоқчиман.

Илҳом ЭШМАТОВ

Мустақиллик шарофати туфайли анъаналаримиз, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз, маънавиятимиз, қадриятларимиз тикланди. Спортимизнинг энг кўҳна — миллий кураш тури ҳам жаҳон афкор оммасининг назарига тушди. Мамлакатимизда 1-3 май кунлари кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилаётганлиги унинг қисқа фурсат ичида ўз обрўйини топганидан далолат беради. Бунда юртимиз полвонларининг ҳиссаси бор. Ана шундай йигитлардан бири сурхондарёлик полвон Махтумқули Махмудов. У 1969 йилда Ангор туманида туғилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкент давлат автомобиль йўллари институтида таҳсил олган. Махтумқули кураш бўйича мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган бир нечта мусобақаларда муваффақият қозониб, кураш ихлосмандлари оғзига тушган полвонлардан.

ҲАЙВОНЛАР БАШОРАТИ

- Чўкадиган кемани биринчи бўлиб каламушлар тарк этади. Баъзан улар бандаргоҳга тушовлаб қўйилган кемаларни ҳам ташлаб кета бошлаганини кўришган. Бироқ ҳеч қанча муддат ўтмай ушбу кемалар довул таъсирида сувга чўққан ёки ботиб қолган.
- Ҳайвонлар ер қимирлашини ҳам аввалдан сезишар экан. Масалан, 1948 йилги Ашгабад zilzilасидан бир неча соат олдин бир гуруҳ оқсоқоллар шаҳар раҳбарлари ҳузурига келиб, илон ва калтакесаклар инидан бемаврид чиқаяпти, ер қимирлаши мумкин, чора кўриш керак, деб айтишганда, бошлқлар кексаларнинг сўзларига эътибор бермаган.
- Итлар ҳам яқинлашадиган офатни олдиндан сезиш қудратига эга. Уша Ашгабад zilzilасидан салгина олдин ит уй эгаси ётган хонага кириб, уни уйғотмоқчи бўлган. Уйғонавермагач, унинг оёгини тишлаган. Уй соҳиби ховлига чиқиши билан ер қимирлаб, у ётган ёни ер билан яқин бўлган.
- 1985 йилда хитойликлар ҳам қишда тинчгина ухлайдиган илонларнинг уйғониб ерда судралиб юрганидан ажабланиб, сейсмологларга ер силкиниши мумкинлиги ҳақида хабар берганлар. Дарҳақиқат, бир неча соатдан кейин кучли zilzila руй берган.
- Офат руй беришини балиқ ва паррандалар ҳам олдиндан аниқ билишаркан. Чарлз Дарвиннинг ёзишича, у 1835 йилда Жанубий Америка соҳилларида кемада кетаётиб, қушларнинг жуда катта галаси денгиз бўйидан қитъа маркази томон учаетганини кўрган. Орадан икки соат ўтгач, қушлар тарк этган худуд — Чилида инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражада даҳшатли zilzila содир бўлган.
- Соҳил бўйида яшайдиган қушлар ҳар йили сув тошқинлари қандай ҳажмда бўлишини олдиндан биларкан. Шу боис, инларини гоҳ дарахтнинг тепасига, гоҳ пастроққа куради.
- Ҳайвонлар табиий офатларнигина эмас, балки соҳиблари ҳаётида бўладиган таҳдид ёки офатларни ҳам аввалдан сезади. Масалан, мушуклар ва итлар хонадонда содир бўлиши мумкин бўлган ажал ёки бошқа бахтсиз ҳодисалар ҳақида эгаларини ғайритабиий қилиқлари, асабий миёвллаши ёки бетиним хуриши, жунини хурпайтириши, ер тирнаши орқали билдириб, одамларни ҳушёрликка чақиради.

САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ КЕКСАСИ

Япониянинг иқлим шароитими ёки денгиз маҳсулотларини кўп истеъмол қилишлари боисми, унинг халқи узоқ умр кўради экан. Баъзиларга афсонага ўхшаб туюлса керак, аммо бу мамлакатда 200 йилдан зиёд ҳаёт кечирган кишилар ҳам учраб тураркан.

1795 йилда Эдо шаҳрида (ҳозирги Токио) уша даврда Япониянинг энг катта кўприги қурилган. Император кўприкни очиш маросимида лентани қирқиш учун ҳар жиҳатдан урناق бўларли энг кексани топишга фармон берибди. Мам-пэ исмли деҳқон ана шундай киши деб танланибди. Уша пайтда у 194 ёшда экан. Император ундан узоқ яшашликнинг сирини сурабди. Мам-пэ мен боболаримиздан мокса, яъни оёқ ва бошқа қон томирлар ўтган аъзоларимни куйдиришни ўрганганман, ҳар ойнинг 8 кунини шу билан шугулланаман, деб жавоб берибди. Қариянинг хотини 173 ёшда, ўғли 153 ва невараси 105 ёшда экан. Орадан 48 йил ўтибди. Бу даврда еттинчи император ҳукмронлик қилаётган экан. У ҳам кўприк қурдирибди. У ҳам кўприкни очиш маросимига энг кекса қарияни топиб келишларини амр этибди. Мулозимлар қидира-қидира... Мам-пэни топиб келтирибди. Бу пайтда у 242 ёшда, хотини 221 ёшда, ўғли 201, келини — 193, невараси 193 ва неваракелини 138 ёшда экан.

Хорижий матбуотдан

-- Махтумқули, назаримда кураш спортнинг бошқа турларига қараганда анча мушкул кўринади. Шундай бўлгач, нега айнан кураш билан шугулланишни маъқул тоддингиз?

-- Биласизми, инсон бир нарсага чин дилдан ихлос қўйса, айнан шу назари тушган касбнинг машаққатлари кўзига кўринмас экан. Ўз хоҳиш-иродасини қондириш учун ҳар доим изланаркан. Ҳали ўрта мактабнинг бошланғич синфларида таҳсил олиб

Ўзбекистон полвонлари

тушишга чақиринди. Рақибим ўзимдан бир-икки ёш катта бўлишига қарамадан у билан курашишга шайландим ва биринчи марта халқ орасида галабага эришдим. Мана шу ютуғимни энг олий галаба деб ҳисоблайман.


-- Кейинги муваффақиятларингиз қандай кечган?

БУ БИЗНИНГ КУРАШИМИЗ

юрган кезларимдаёқ кураш билан шугулланардим. Отам мендаги бу қизиқишни кўриб, Ангордан Термиз шаҳридаги курашга ихтисослашган мактабга машғулотларга олиб келарди. Шунингдек, ота-боболаримнинг курашга ниҳоятда қизиқишлари ҳам мени бу соҳа билан жиддий шугулланишга даъват этди.

-- Илк бор қўлга киритган ютуғингизни эслай оласизми?

-- Биласизми, бизнинг Сурхонда ҳеч бир тўй курашсиз ўтмайди. Тўй бошланишидан олдин албатта кекса полвонлар даврага тушишади. Сўнгра уларнинг дуои фотиҳалари остида ёш ўсмирлар. Туманимиздаги тўйлардан бирида кекса отахонлар мени даврага



-- 1995, 1997, 1999 йилларда Термиз шаҳрида Имом ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро кураш турнирида 73 кг вазнгача полвонлар ўртасидаги мусобақалар голиби бўлиш шарафига муяссар бўлдим. Эсингизда бўлса бу йилги мусобақага Осиё чемпионати мақоми берилди. Ушбу турнирда ҳам голиб бўлиб, ёшларнинг "Қамолот" жамғармаси соврини -- "Тико" автомобили билан тақдирландим. Шунингдек, Монголия, Туркия давлатларидаги турнирларда ҳам омад билан қайтдим.

-- Махтумқули, энг қизиқарли учрашувларни эслай оласизми?

-- Эслайман. 1997 йилда ўтказил-

ган мусобақада хонадонимиздан бир йўла 4 нафар ака-укалар -- Жаббор, Давлатгелди, Равшанбеклар қатнашганми. Қизиғи шундаки, ушбу мусобақанинг финал босқичида мен ўз рақибларимни мағлубиятга учратиб келган укам Давлатгелдига дуч келдим. Майдонда биз ака-укаларга эса отам Худойберди ака ҳакамлик қилди. Ушбу мусобақада ҳам голибликни қўлга киритдим.

-- Қизиқ, отангиз кимга тарафкашлик қилди?

-- Ие, курашда тарафкашлик кетмайди. Шунинг учун ҳам айнан спортнинг мана шу турида "ҳалол" деган атама тез-тез тилга олинади. Шундан бўлса керак жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бизнинг бу ўйинимизга қизиқиш кучайиб бораётганлиги.

-- Демак, Сурхондарёда Махмудовлар сулоласи ўз мавқеига эга экан-да?

-- Худога шукр, шундай десак ҳам бўлади. Бироқ бундай сулолар воҳамизда кўплаб топилади. Масалан Ҳасановлар хонадони. Улардан ҳам Баҳодир, Ботир, Жамшид полвонлар бугунги кунда республикамиз шарафини ҳимоя қилишяпти.

-- Махтумқули, курашаман деган йигитларга қандай маслаҳат берасиз?

-- Ўз ниятингдан қайтма, мақсадингга ет, билгингдagi куч, белингдagi қувватни беҳуда нарсаларга сарф этма дейман. Курашаман деган йигит менинг назаримда у ҳақиқий эркак, шунингдек таъбир жоиз бўлса элпарвар. Нега дейсизми, сабаби кураш элимизнинг ардоқли ўйини. Ота-боболаримиз севган машғулот. Шундай бўлгач аждодлар меросини сақлашга, ривожлантиришга интилган одамни нега элпарвар десак бўлмайди?

-- Биринчи Жаҳон чемпионатида тайёргарлик қандай кетяпти?

-- Ёмон эмас. Турнирни ўз майдонимизда фақат галаба билан яқунлаш учун қўлдан келганча изланаяпмиз. Бу мусобақа биздан икки баравар сергаклик талаб қилади.

-- Сиз билан бирга воҳадан кимлар иштирок этади?

-- Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиев, Ботир Ҳасанов ва Баҳриддин Жаҳоновлар айни кунларда "Жар" спорт мажмуида тайёргарлик кўраяпмиз.

Мақсад фақат Ўзбекистон байроғини юксакликка кўтариш.

"Туркистон" мухбири
Рўзибой АЗИМ суҳбатлашди



ИККИ ГАЛАБАДАН СЎНГ ДУРАНГ

2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларининг футбол турнири гуруҳларида навбатдаги саралаш мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 24 апрель кунини Ашгабадда туркменистонликлар билан учрашди.

Уйин футболчиларимизнинг ҳужумлари билан бошланди ва бешинчи дақиқада Абзал Азизов мезбонлар дарвозабонини доғда қолдирди. Шундан сўнг ўйинчиларимиз бироз хотиржамликка йўл қўйдилар. Натижада кўп ўтмай туркменистонлик футболчилар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди.

Уйиннинг сўнги дақиқалари жуда қизиқарли ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси дарвозабони Е.Сафронов 90-минутда рақиб жамоа ҳужумчисини чалиб йиқитди. Ҳакам 11 метрлик жарима белгилади. Дарвозабон бу жарима тўпини қайтариб, ўз хатосини тузатди.

Шундай қилиб, футболчиларимиз ўз майдонларида эришган кетма-кет икки галабадан сўнг Туркменистонда дуранг натижага эришди. Шу кунини Тожикистон ва Қозғистон жамоалари ўртасида бўлиб ўтган ўйинда ҳисоб очилмади.

Ўзбекистон терма жамоаси уч ўйиндан 7 очко тўплаб, ҳозирча ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Туркменистонликлар эса икки ўйиндан сўнг 4 очко тўплашган. Улар иккинчи ўринда боришмоқда.

Гуруҳлардаги навбатдаги тур ўйинлари 8 май кунини бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси эса 15 май кунини Қозғистон олимпиячиларини қабул қилади.

ЎЗА

Туркистон



Иккинчи ярим йиллик
учун обуна бошланди!
Шошпинг!

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«ҚАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-58

Ҳатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700023 Тошкент Матбуотлар кўчаси, 32-й

Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаназаридан фарқлангани мумкин.